

2026-yil — Mahallani rivojlantirish va jamiyatni yuksaltirish yili

Mukagguma **Ҳақиқий ёзувчи-шоирлар ҳақиқатни ёзишни хуш кўради. Дунёнинг қайси бир четидаги адолатсизлик уларга худди ўзининг уйида рўй бераётгандек туюлади. Қайдадир адолатнинг барқарорлиги ёки ғалабаси уларнинг руҳи-ятини кўтаради. Улар ҳар бир яхши одамнинг муваффақиятидан қувонади, одамларнинг муаммолари эса уларнинг ҳам дардига айланади.**

Улар — ватанпарвар. Ҳар ҳолда Ўзбекистонда худди шундай. Ватаннинг гуллаб-яшнаши, ижобий ўзгаришлар ҳар бир фуқаронинг ҳаётини юксалтириш сари қўйилган қадам эканини теран ҳис қиладилар, кайфиятлари кўтарилади. Худого минг шукрки, бу ўзгаришлар ҳар соатда, ҳар куни рўй бериб турибди. Бутун мамлакат ҳаракатда. Энг муҳими, бу ислохотлар жайдари тусда эмас, балки жаҳоннинг энг илғор технологиялари асосида олиб борилмоқда. Шароитлар яратилгани туфайли инвестициялар бемалол кириб келяпти. Ривожланиш шиддати бутун мамлакатни қамраб олган. Қалам аҳли бу ва кўплаб бошқа ютуқлардан бохабар. Муаммоларни бартараф этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларни ҳам мудом сезиб туради. Яқинда бир гуруҳ ижодкорлар билан қўшни дўст мамлакатда сафарада бўлдик. Бир кеч ўз-ўзидан бадиҳа дав-

ра тузилиб, суҳбат гуриллаб кетди. Аввал мезбон мамлакатни Ўзбекистон билан таққос қила бошладик. Бараварига “Биз олдинга кетибмиз” деган хулосага келдик! Бугунги Ўзбекистон ҳақида гаплашдик. Мен етимиш олти йил умр кўрганимни, аммо халқимиз ҳеч қачон бундай яйраб яшамаганини айтиб қолдим. Даврадагилар бу гапимни ҳам бир оғиздан тасдиқлади. Ҳа, шундай! Ҳеч қачон бундай яшамаганмиз! Юракларни фахр билан тўлдирган бу —этирофлар қачон кўнглимизни тўлдирди? Ахир биз эътироф этган ютуқлар ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ-ку! Унинг ортида кимнинг меҳнатю заҳмати, бетиним ҳаракати ётибди? Мамлакатимизнинг барча ҳудудида ёйилган бунёд-

корликка ким ғайрат-шижоат бағишляпти?

Саволларга жавоб битта: бу оламшумул зафарларнинг ортида бир кишининг, ҳа, бир кишининг — Ўзбекистон Президенти —Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг фидокорлиги турибди.

Оз эмас, кўп эмас, Янги Ўзбекистонни қурмоқчи бўлган шу азамат инсоннинг мисли қурилмаган фидокорлиги!

Мен бу инсон ҳақида кўп ўйладим. Охири, бу одам ҳақида ёзмасам, адолатдан бўлмас экан деган қарорга келдим.

Йўқ, хушомад қилиш ниятим йўқ. Нимага хушомад қиламан? Ёшим бир жой-га борган бўлса, мукофоту унвонларни ҳам ҳеч кимга ликилламай олган бўлсам...



Усмон АЗИМ,
Ўзбекистон халқ шоири.

Кетяпти!

Бутун мамлакатда бундай ёппа бунёдкорликни қайси қудрат ҳаракатга келтиряпти? Бу саволга жавоб аниқ: Шавкат Миромонович Мирзиёев!

3

Мен мажлисларда кам қатнашаман. Мақсад мажлис ўтказишдангина иборат бўлган йигинлардан ўзимни тортаман.

Аммо яқин кунларда икки мажлисда қатнашиб, вақт қандай ўтганини сезмадим. Завқланиб ўтирдим. Ўзбекистонни севадиган бир ватанпарвар сифатида фахру қувончга тўлдим. Гап Ватанимизнинг бир бўлага бўлган Сурхондарёнинг эртаси ҳақида кетди. Президентимиз вилоятда 2030 йилга қадар амалга оширилаётган режалар ҳақида сўзлади.

Мажлисда режалар ҳақида шунчаки гапирилмади, балки уни амалга ошириш учун пухта, кўламли ва аниқ тайёргарлик қўрилгани маълум бўлди. Масалан, мана бу тарзда: режа лойиҳаси тайёр, маблағ бор (банк бошлиғи тасдиқлайди ёхуд жаҳондаги қайси инвестор билан келишилгани айтилади), бу режани амалга оширадиган ташкилот ҳам шай турибди. Ишни қачон бошлаш санаси ҳам аввалдан аниқланган. Мутасаддилар яна бир бор мажлис аҳли олдида ахборот берди. Ҳар бир лойиҳада қанча иш жойи очилиши ҳам очиклаб борилди. Юзлаб, минглаб...

Ҳар бир режа ҳақида сўз кетганда, шу тартиб амалга оширилди. Бирор-бир ишни бажариш орзу сифатида айтилмади. Аксинча, қатъий ишонч билан ахборот берилди.

Бу режаларнинг бир учи хорижга бориб қадалганда эса онлайн тарзда мажлисда қатнашаётган элчиларимиз чет эллик ҳамкорлар ҳозир турганини, Ўзбекистондан имо бўлгач, шу заҳотиёқ учиб боришини маълум қилди. Хорижлик ҳамкорлар ҳам ундай-бундай мамлакатлардан эмас — Хитойдан тортиб, Жанубий Африка Республикасига!

Шавкат Миромонович ҳеч нарсани унутмади. Президентимиз бугун нима ишларни бажариш лозимлигини, эртага нимани амалга ошириш кераклигини ички — онгости туйғу билан ҳис қилишини шундоқ сезиб турдим.

Каттаю кичик муаммоларнинг ечимини топишда бир хил масъулият билан ёндашишга, баъзан бадиҳаларига ҳам гувоҳ бўлдим.

Мажлисдан аввал бойсунлик — кураш бўйича биринчи жаҳон чемпиони Тоштемир полвон Муҳаммадиев билан ёш курашчилар учун очилган интернат ҳақида суҳбатлашган эдик. Мажлис сўнгроғида Президентимиз ана шу полвонга мурожаат қилиб қолди:

— Сенинг интернатингнинг мактаби йўғ-а?

— Йўқ, — деди полвон.

— Болалар қаерга ўқишга боради?

— Шу атрофдаги қишлоқлардаги мактабларга.

Шавкат Миромонович кўзи билан залдан керакли одамни излаб топди:

(Давоми 2-бетда)

РИЁСИЗ СЎЗЛАР

Буюк Ўзбек йўли

лашдан бешиб қолди. Ноилож ишдан кетиш ҳақида ариза ёздилар.

Мустақилликдан одамларнинг кўнгли қолди.

Битта-ярим танишлар менга ҳам таъна қила бошлади: “Ана сиз орзу қилган —истиқлол...”.

Рости, мен ҳам бебаҳт яшадим. Газета-журналларда ёзганларимни нашр этиш нари турсин, исм-фамилиямни ҳам учириб ташлайдиган бўлишди. Мен нима қилган эдим? Бир кўрсатувда “Бировлар ҳаром-хариш йўл билан пул тўпляпти. Пайти келгач, пулини

амат... Сурхондарёдаги одам қиёфасидаги хайвонлар ҳам жазосини олди. Аммо бу ечимларни топиш учун қанчалар сабот ва жасорат керак бўлгани фақат ва фақат Шавкат Миромоновичнинг бир ўзига аён. Ахир қаламга олганим ҳодисалардан ташқари, унинг зиммасида яна қанча-қанча ташвишлар бор эди.

Биргина Сурхон халқини зор қақшатган мустақилликнинг зарарқунандалари шайқасини туга-

хондарё халқи, энди озодсан!” деб элга мурожаат этган эди. Ҳақиқатан, Сурхондарё эркин нафас олди.

Мен фақат яхши билганим — Сурхондарё ҳақида ёзяман. Ўзбекистонда эса ўн тўртта маъмурий-худудий бирлик бор. Президентимизнинг улардаги муаммоларни ҳал этишдаги мардонавор саъй-ҳаракатини қаламга олиш учун эса бу мақола кичиклик қилишини сезиб турибман.

2

Одамлар яхшиликка тез қўниқади. Бир-икки “Яхши бўлди-е!” деб қувонади-ю, кейин худди хамиша шундай бўлгандай ўтиб-кетаверади. Назаримда, шундай бўлгани ҳам дуруст! Одамлар одамга ўхшаб яшашни ўрганапти! Муносиб яшаш мўъжиза эмас, шунчаки ҳар куни биз юзма-юз дуч келадиган воқелик эканига қўникиб борапмиз-да!..

Аммо мен ривожланиш жараёни шу қадар жадал бораётганидан барибир қувонаман.

Авиёлар, олимлар маскани бўлган Термиз эсимни билганимдан буён кўримсиз, чанг-тўзонга қоришган, соя-салқиндан йироқ ёпиқ ҳарбий шаҳарча эди. Унга киришни ўзи ҳам бир машаққат — ҳарбийларнинг пости ўрнатилган, ҳар бир йўловчининг паспортини синчиклаб текширилар, агар Сурхондарё ҳисобида бўлмасан-

тиш нақадар қийин бўлганини тасаввур қиламан. Ахир улар осмондан тушмаган — бу гумроҳларни Тошкентдаги мартабаси баланд, бели бақувват, бировни назар-писанд қилмайдиган ҳомийлари қўлаб-қувватлаб турарди. Бу жиноятчилар тўдасининг кўлами жуда катта — бири бири билан зич боғланиб кетган, халқнинг манфаати деган муқаддас тушунчани тушида ҳам қурмаган, одамлар ҳаётини ҳасдан ҳам арзон билган бедаволардан иборат эди. Аввал мана шу тўданинг боши кесилди. Бу иш осон бўлмади. Бушангрок бир одам бўлганда улар билан муроаса мадора этиб кетаверарди. Аммо Шавкат Миромонович бундай қилишни ўзига эп билмади. Чунки ўртада Ватан, халқ тақдири бор эди. Бўлажак Ватанни бундай тўдаларга панжа орасидан қараб эмас, балки бу тоифа ноқислардан тозалаб, покиза яратиш эзуга ҳаракатлар билан ниятиш лозимлигини Шавкат Миромонович мудом ҳис этиб турарди.

Ватанини ҳалол одамлар яратишини бу инсон жуда теран тушунади.

Қотиллик иллоти юққан бу каслардан эл-юрт озод қилинди. Аввал “тепа”даги, кейин паstdаги қатлам илдири билан суғуриб ташланди. Бу гаплар айтишга осон...

Мамлакатимиз тарихида ушбу воқеалар кимгадир жуда кичик эпизод бўлиб туюлар, аммо Ватанни халқнинг бошига чиқиб олган бундай жирканч тўдалардан озод этиш учун раҳбаримизга қанчалар матонат ва қатъият керак бўлганини бир тасаввур қилиб кўрин!

Эсимда: бу воқеалар ниҳоясига етказилгач, Президентимиз Сурхонга таширф буюриб, “Сур-



кўтариб, хорижга жўнаб кетади” деган рост гапни айтган эдим, холос. Бу кўрсатув туфайли телевидениедаги неча-неча ижодкорлар жазоланди, ишдан кетди...

Тан олайлик, мустақилликнинг илк даврида янги тизимли мамлакатни бунёд этиш, ночорликдан қутулиш учун бир қадар қаттиққўллик ҳам зарур эди. Аммо мамлакат ривожланиб бургани сари бу қаттиққўллик ўрнини адолат ўлчамларига мос йўриқлар аста-аста эгаллаб бориши кераклиги ҳам барчага аён эди. Бирок бундай бўлмади. Чунки энг тепадаги одам ҳам найрангбозларнинг қўлида асирдай яшади. Жойларда рўй бераётган, ҳатто ўз оиласида рўй бераётган воқеалардан ҳам ғафлатда қолди. Барча адолатсизликлар сир тугилди.

Юқорида ёзганларимни ҳеч ким рад этолмади. Уларни бор бўйича қўрсатиш учун эса неча жилдлаб китоблар ёзилса бўлди. Мен фақат бошимдан ўтказганларимнинг ва туғилган юртим Сурхондарёда рўй берган машъум воқеаларнинг бир қисминигина эслаганман.

Авж олган муаммоларни бартараф этиш йўлларини ҳеч ким билмасди.

Бирок, Парвардигор билгувчидир! У мамлакатни ривожланиш сари йўналтириш учун нима қилиш кераклигини аниқ билди.

Мамлакат Президентлигига Шавкат Миромонович Мирзиёев сайланди ва... бирдан мўъжизаларга ўхшаш ҳодисалар рўй бера бошлади.

Айтиб ўтганим — кўргиликлар битта-битта ечимини топиб кетаверди. Тўлов пластик карталари рисоладагидай ишлай бошлади. Пенсиялар тўлиқ бериладиган бўлди. Банклар янгича ишлаш тизимига ўтди: хоҳласаларинг, мана сўм, истасаларинг доллар, марҳ-

1
Бу ислохотлар бошланганда мамлакат қай аҳволда эди? Одамлар қандай яшаётган эди?

Ўзимнинг бошимдан ўтказганларимни бир эслай. Мен кўп қаватли уйда яшайман. Уйимиз неча-неча қишлар бўйи исимасди. Бир фарзандим кейинчалик “Шу уйда бир умр совуқ қотиб улғайдик”, деб эслады.

Нафақага чиқдим. “Ишласанг, нафақангнинг ярми тўланади”, дейишди. Нима дейман? Ҳўп-да... Кўпга келган тўй.

Маош ҳемири. Ярим пенсияга қўшиб, ойдан ойга аранг етказамиз.

Тўлов пластик картаси билан боғлиқ машмашаларни-ку, айтмай. Дўконга борасан. Керакли молнинг нарҳини сўрайсан. “Нақд олсангиз, саксон сўм, пластик карта билан тўласангиз, юз...”.

Деновда — бозорнинг нақ ўртасида “пластик картадаги пулни нақдга алмаштириш пункти” очилди. Уша безбет шаклда — юз сўм ёчиб олишса, саксон сўм қўлингга беришади. Энг даҳшати, бу “пункт”ни бундай ҳоллар юз бермаслигини назорат этувчи ташкилотларнинг одамлари юртди. Додингни кимга айтишни билмайсан...

Бу лўттибозликлар бутун халқ кўз ўнгига рўй берди. Ҳеч ким миқ этолмади. Кўркув. Бу кўркувдан яралган тақдирсизлик — эртани ўйлашдан чўчиш — мудом елкадан тошдай босиб турди.

Қарз кўтардим. Долларда қарз берганларга долларда қайтариб бериш керак. Банк кассаларининг ёнига ҳам боролмайсан. Банклар долларни сотувга чиқариб, ўзи сотиб олиб ётибди. Одамларини қўйиб қўйган — аллақандай шанги хотинлар...

Бозорга борасан. Ҳар қадамда “долларчи”лар шайқаси... Долларнинг нарҳи расмий курсдан икки баробар баланд. Кўр бўлиб-оласан.

Сурхондарёда галла етиштирган бир тадбиркор менга учрашиб, галласини топширганини, аммо ҳақини еб кетишганини айтди. Мен бир-икки амалдорга айтган бўлдим. Бирор натижа чиқмади. Тадбиркор шу хўрликнинг жабридан ўлиб кетди...

У-бу жойлардаги ўзгаришлар одамларнинг дастурхонига етиб келмади. Мамлакатни фарибгарлар босди.

Бу ишга қарши курашиши зарур бўлган ташкилотлар давлат бўлди давлат тузилар. Одамлар устидан зўравонлик жорий этилди.

Масалан, Сурхондарёда хавфсизлик хизмати аллақандай фашистик (бошқа сўз уларнинг қилмишини ифодалаб беролмайди) тизим ўрнатди. Одамларни пашша ўрнида кўрмадилар. Ҳўрладилар, мулкларини тортиб олдилар, мисли қўрилмаган қийноқларга солдилар, ўлдириб ҳам юбордилар. Қийноқларнинг Сталин замонида кечган усулларини қўладилар. Уларни янада янги “погона”ларга кўтардилар.

— Тирноқларимни сўғуриб олдилар, — деб зориллаб эслайди уларнинг қўлига тушган бир бегуноҳ, — Ҳаммасини баравар суғурсалар ҳам майли эди, ҳар куни биттасини суғурадилар...

Ҳатто ҳокимларга ҳам тазйик ўтказилди. Бу юртда улар ҳам иш-

(Боши 1 -бетда)

— Пулинг бор-а?
— Ҳа, — деб ўрнидан кўзғалди “керакли одам”.
— Шу полвоннинг интернатига мактаб куриб бероласанми?
“Керакли одам” жон деб рози бўлди.
— Биринчи сентябргача тайёр бўлсин! — деди Президентимиз.
Завкланганимдан секингина бўлса-да “Воя”, деб юбордим. Ахир Шавкат Миромоновичнинг елкасида қарийб ўттиз тўққиз миллион нуфузли халқнинг ташвиши турибди! Мамлакатда эҳ-че қанча мактаб бор! Энди келиб-келиб, Президентимиз Тоштемир полвоннинг мактаб-интернати муаммосини эслаб ўтирсал..

Ийгинда менга ҳам сўз берилди ва мен бу мажлисни сурхондарёликлар учун байрам деб атадим. Чунки тушунишимча, Ватан деган мухташам иморат ривож учун қўйилган ҳар бир ғишт — байрам. Бугун эса қанчадан қанча ғиштар қўйилди! Бу мажлисда айтилган ва келгусида амалга ошириладиган ҳар бир режа юрт хазинаси қанчалар бойиши, одамлар хонадонига қанчалар файзу барака олиб кириши ҳақидаги рақамларни эслаб ўтирмайман. Чунки улар матбуотда етарлича ёритилди.

Аммо бир қутлуғ хабарни айтмасам бўлмайди. Ийгирма олтинчи апрелда Бойсунга борадиган бўлдим. Термиздан келадиган йўл манзилга олти-етти километр қолганда юқоридаги мажлисда тилга олинган — бир неча йиллардан буён қурилиши давом этаётган Дарбанд — Денов трассасига қўшилади. Биз бўлажак трассага тушдик. Пишиқ қилиб ишланган бетон йўл. Физиллаб кетяпмиз. Фақат икки жойда гавараси кўтарилиб, қурилиши ниҳоясига етмаган кўприкларни айланиб ўтдик, холос. Ичимда “Бир-икки ойда битиб қолар”, деб ўйладим.

Тўрт кундан кейин “Бойсун бахори” фестивалида қатнашиш учун шу йўлдан яна ўтишга тўғри келди. Бу сафар машинамиз тайёр бўлган кўприклар устидан ғизиллаб ўтиб кетди! Ҳа, тайёр бўлган кўприклар устидан! Орадан фақат тўрт кун ўтиб!.. Яна руҳимни қувонч сели босди! Қўйил! Ва Термиздаги мажлисда айтилган барча режалар ўз муддатида бажарилишига ишончим комил бўлди.

Президентимиз йигин сўнгиди шу тахлит режалар билан барча вилоятга ва Қорақалпоғистонга борилишини таъкидлаб ўтди! Яна мамлакат келажагини барпо этиш йўлида оммавий жадал ҳаракат! Бир зум бўшашмайдиган, эл дастурхонига барака берадиган режалар. Бу режаларнинг асосчиси Шавкат Миромонович ҳам бир зум тиним билмайдиган, мудом халқ манфаати учун куйиб-ёнадиган инсон! Эзгу ниятларига фаришталар омин дейди! Парвардигор раҳмат эшигини очади!

Мен яқин келажақда юртимизнинг энг илғор мамлакатлар қаторидан ўрин олишига ишонаман. Бу ишончмга қўшилмайдиганлар бўлса, Жаҳон банкининг Ўзбекистоннинг ривожланиш суръати ҳақидаги рақамларга мурожаат этсин. Банк 2026 йилда мамлакатимиз ялпи ишлаб чиқариши суръатини 7,7 фоиз этиб, прогноз беряпти. Хорижлик мутахассисларнинг фикрича, ўн-ўн икки йилдан кейин Ўзбекистоннинг ялпи ишлаб чиқариши триллион доллардан ошар экан! Триллион! Булар осмондан олинган эмас, аниқ фактлар таҳлили асосида юзага

РИЁСИЗ СЎЗЛАР

келган рақамлар! Кўз тегмасин! Уэр, хорижлик мутахассисларни ҳам хижолат этиб қўйяпмиз! Юқоридаги рақамларни ёзгандан кейин хозиргина ўқиб қолдим: ўсишимиз суръати уларнинг тахминидан жуда юқори — 8,7 фоиздан зиёд экан!

Дунёнинг улуг донишмандлари инсониятни тутиб турган кадриятлар ҳақида охир-оқибат ягона хулосага келган. Инсонлар, халқлар, давлатлар ўртасидаги муносабатларга ўзи ҳам аралашиб, не-не гафоларни бошдан ўтказган Алишер Навоий бир куни мана бундай сатрларни битган:

Олам аҳли, билингизким, иш эмас душманлиг, Ёр ўлунг бир-бирингизгаки, эрур ёрлиг иш.

Бу байт маъносини барча англаб турган бўлса ҳам майли, шарҳлаб қўйя: “Дунё одамлари, — деяпти шоир, — билиб қўйинг: душманлик яхши иш эмас. Бир-бирингиз билан дўст бўлинг, инсонга фақат дўстлик ярашади”.

Шавкат Миромонович, назаримда, ҳали Президентлик лавозимига сайланмасдан олдин ҳам “душманлиг иш эмас” эканини чуқур тушунган. Марказий Осиёдаги қондош-жондош мамлакатлар ўртасида

Ҳозир тарихга айланган бошогриқ бу кунлардан бир шингил воқеани куни кеча ҳикоя қилиб беришди. Сариосиёда яшайдиган бир кекса аёлнинг Регардаги синглиси вафот этганда жигарининг қабрини зиёрат этиш учун саккиз йил уриниб, чегарадан ўтолмаган экан. Регар билан Сариосиёнинг ораси, ҳа борингки, ярим соатлик йўл!

Икки мамлакат ўртасида д ў с т л и к - б и р о д а р л и к муносабатлари ўрнатилгач, қариндошлар бу узоқ айрилиқдан сўнг йиглаб-сиктаб юз қўришди. Душанбедан шувиллаб машиналар Сурхондарёга келадиган, уч-тўрт сариосиёлик дўстлар “Душанбени бир айланиб келайлик”, деб йўлга чиқадиган бўлди. Бир қадам йўл! Эрталаб бориб, кечкурун қайтиб келасиз!

Тожикистонни бошқа ҳудудлар, қўйингки, жаҳон билан боғловчи асосий йўллар юртимиз орқали ўтади! Энди бундай имкониятларга эга тожик халқининг хуррамлиги нечоғлиқ бўлганини тасаввур этинг!

Шу сабабдан Шавкат Миромонович бу қўшниларимиз юртига ташриф буюрганда, Эмомали Раҳмон саҳнадан туриб, ҳазил аралаш жуда зўр лутф этган эди: “Булар, — деди у зални тўлдириб ўтирган тожик халқи

тўхтатмайди! Президентимиз “Ўзбеклар менинг меҳмоним — уларга ҳеч ким тегинмасин”, деб юқори минбарда айтган!

Қалай? Бу гаплар ўзбек халқиға хурматнинг энг чўққиси эди.

Икки халқ ўртасидаги бу иззат-хурматнинг қайтиши, янада юқори даражаға –кўтарилиши Шавкат Миромоновичнинг жонқуярлиги, самимий — дипломатик маҳорати ва инсоний фазилатлари билан боғлиқ эди.

Яқинда атоқли ўзбек шоири Шавкат Раҳмон таваллудининг 75 йиллигини нишонлаш учун Ўш шаҳриға бир гуруҳ ижодкорлар билан йўлга чиқдик. Илгари ҳам Ўш сафарида бўлганман. Чегара машамаларини ўйлаб, кўнглим хижил бўлиб бораётгандим. Аммо безовталиққа ўрин йўқ экан. Ўзбекистон фуқаролиғига оид ҳужжатларимизни кўрсатиб, бемалол ўтиб кетавердик. Қирғизлар ҳам юртимизға шундай кириб келяпти.

Бу бемалоллиқни яратган, икки халқ ўртасида ишонч ва ҳақиқий дўстлиқни қайта барпо этган инсонларни алқадик. Ахир, бу икки қўшни халқ ўртасидан нималар ўтмаган эди!

Шавкат Раҳмоннинг юбилейига бағишланган ижодий кеча ниҳоятда баланд савияда ўтди. Мажлисда Қирғизистон

билан муносабатларимиз ҳам айтишға арзигулик эканини таъкидлаб ўтмоқчиман. Масалан, Афғонистон билан етарли даражада алоқалар ўрнатганмиз. Ахир бу мамлакат орқали океанларға чиқши орзумиз бор!.. Ҳозир шундоқ? Амударёдаги кўприқдан ўтиб, ўзбек тупроғига қадам қўйилган жойда “Ўзбекистон — Афғонистон чегара олди савдо ҳудуди” бунёд этилган. Қатор-қатор дўконлар, меҳмонхоналар, ошхоналар... Савдо-сотик авжида. Худуд тўлиб-тошиб кетяпти. Президентимиз бу ҳудудға яна қўшимча ер ажратиш ҳақида топшириқ берди.

Албатта, бу ён қўшниларимиз ҳам Ўзбекистон раҳбари шаъниға илиқ сўзлар айтгани-айтган...

Дунёда ҳақиқий обрўға эга бўлиш осон иш эмас. Бу рутбаға истеъдодли, ўзини аямай меҳнат қиладиган, фаросатли, бошқаларнинг ҳам манфаатини ҳурмат этадиган, ўз мамлакатини ҳам жонидан яхши кўрадиган сиёсий арбобларгина сазовор бўлади.

Мана шундай обрўға эга бўлганлардан бири эса бизнинг Президентимиз — Шавкат Миромонович! Ҳа, ўзимизнинг Президентимиз!

М а м л а к а т и м и з д а г и ўзгаришларнинг оқими жуда катта.



авж олган нохушликларни юраги ачишиб қузатган. У бошқарган Вазирлар Маҳкамасининг вазифаси хўжалик юритиш бўлгани учун қўшнилари билан муносабатимиз ёмонлиги туфайли ривожланиш имиллаётганини теран ҳис қилган. Энг муҳими, бу ғалвалардан одамлар ҳам азобланаётганини ўз кўзи билан кўрган.

Албатта, шундай бўлган! Шу боис, —Шавкат Миромонович мамлакат бошқаруви жиловини ўз қўлиға олгач, бир зум тин олмай, аввало, қўшнилари билан қ а р д о ш л и к - б и р и н д о ш л и к ришталарини тиклай бошлади. Бу иш қанча оғир-енгил кечгани фақат шу эзгу ниятли одамнинг ўзига маълум. Аммо натижа қутлуғ — қўшни мамлакатларға йўлимиз тушса, Ўзбекистоннинг бир фуқароси сифатида биз ҳам иззат-ҳурмат кўряпмиз.

Сурхондарё вилояти учта мамлакат билан чегарадош. Шулолар даврида, масалан, Тожикистон билан Ўзбекистон ўртасида чегара бор-йўқлиги эсимизға ҳам тушмасди. Термиз ёпиқ шаҳар бўлгани учун Душанбеға ҳам учиб бориб, Сурхонға ўтиб кетаверардик. Баъзилар каттароқ бозор-ўчарини Душанбеға бориб қиларди... Аммо мустақилликдан кейин бир муддат ўтгач, ҳамма ўзига хон, ўзига бек бўлиб олди. Чегарадан ўтиш ушалмас орзуга айланди!

вакиллариға ишора этиб, —сизни мендан ҳам ортик яхши кўради!”. Мана хурмат! Мана қардошлик!

Президентимизнинг бу ташрифидан сўнг бир муддат ўтгач, беш-олти ёзувчи ҳам бўлиб, Душанбеға бордик. Мақсадимиз Бойсунда туғилган дўстимиз, Тожикистон халқ ёзувчиси Саттор Турсун вафоти муносабати билан яқинларига ҳамдардлик билдириш эди. Ёз кунлари. Эгнимизда ёзлик энгил-бош... Аэропортда эса бизни ўн-ўн беш чоғли киши — оппоқ қўйлак, қора костюм-шим кийган тожик дўстларимиз кутиб олди. Эртаси кунни кутилмаганда Тожикистон Ёзувчилар уюшмасида қардош адабиётларимиз алоқалари ҳақида конференция ўтказилди. Яна ҳамма ўша расмий кийимда. Кўчада эса ёз... Биродарлар, бу тарзда мажлиснинг номини иззат-икром дейдилар! Ўзбекларға иззат-икром!

Бизни Сурхондарёға олиб кетгани юртимиздан оғайнилар келди. Мен йўлда қандай кетсак бўлади, автомобилларни ҳайдовчилар қайси тезликда ҳайдаса маъкул, милисалар тўхтатса, қандай муомала қилиш керак деб сўраб қолдим. Ҳар ҳолда машиналаримиз рақами Ўзбекистонники-да! Тожик дўстларнинг жавоби мени ҳайрон қолдирди:

— Ҳар қандай тезликда ҳайдайверинглар! Милисалар

ҳукуматининг бош котиби, нуфузли ТУРКСОЙ ташкилоти раҳбари, Ўш шаҳри ҳокими қатнашди ва нутқ сўзлади. Шавкат Раҳмон ўқиган мактабға ва шаҳарнинг катта кўчаларидан бириға шоир номи берилди.

Албатта, бу катта шоир шундай эҳтиромға арзийди. Шубҳа йўқ. Аммо барибир бу самимий эҳтиромнинг сабабчиси Шавкат Миромонович эканини ҳам ҳар дақиқада ҳис қилиб турдик.

Камина Қозоғистон сафарида бўлганимда дўстларнинг худди шундай меҳриға дуч келдим. Бир эмас, бир неча мукофот билан тақдирландим. Ҳатто хорижий бир мамлакатнинг адабий мукофоти ҳам қозоқ дўстларимизнинг тавсияси билан менга топширилди. Агар муносабатларимиз аввалдагидай ғарзали кечганда, шундай ҳол рўй берармиди?!

Марказий Осиё халқлари ўртасидаги бу иттифоқчиликнинг, бағрикенгликнинг ва меҳру муҳаббатнинг бош меъмори Шавкат Миромонович эканини ҳозир барча қўриб турибди. Хорижликлар ҳам бу минтақани ривожланиш сари бошлаб борадиган куч сифатида Ўзбекистонға қарамоқда.

Мен, асосан, азалий яқин қўшниларимиз билан муносабатлар ҳақида ёздам. Ҳар куни ўзгараётган бу чигал дунёдаги бошқа мамлакатлар

Уларнинг ҳаммаси “Мен — ўзбекман!” деганларни қувонтиради.

Масалан, кейинги ойлардагина рўй берган қатор янгиликлар ҳали-ҳануз мени ҳайратға солиб келяпти.

Агар икки-уч йил аввал биров “Барчамизнинг жонимизға теккан шу пахтадан саксон-тўқсон центнердан ҳосил олинади”, деса, камина “қўйсанг-чи”, деб кулиши аниқ эди. Аммо худди шундай бўлди! Яна қаерда денг? Сирдарёда! Бу вилоятда талабалигимда пахта терганман. Ўртача йигирма центнердан ҳосил олинса, дўппи осмонға отиларди! Энди эса... Одам ишонмайди. Хориждан уруғлик келтирилди? Келтирилди. Аммо ўзимиз ҳам қараб турганимиз йўқ. “Порлоқ” навли ғўзамиз хорижий навлардан ортик бўлса ортик, лекин кам эмас!

Бир жумла билан айтилганда, пахтачиликда инқилоб рўй берди! Ҳайратланарли яна бир воқеа.

Олмаликда 3-мис бойитиш фабрикаси ишға туширилди. Бундай фабрикалар қурилиб, ишға туширилиш жараёни бутун жаҳонда ўн йилға чўзилар экан. Бизда эса тўрт йилда (ҳа, тўрт йилда!) амалға оширилди. Бу муддатға ҳатто ўзимизнинг энг

катта мутахассислар ҳам, америкалик ҳамкор ҳам ишонқирамаган экан. Мана шу америкалик энди бутун жаҳонни Ўзбекистоннинг бу тезкор тажрибасини ўрганишға чақирди.

Яна бир ҳайрат. Фақат мен эмас, ҳали ўзбекларнинг неча-неча авлоди гурурланадиганин мўъжиза — Ислом цивилизацияси марказининг бунёд этилиши. Бу марказ ажиб дид билан қурилган қошона. Деворларида қўл билан ишланган нақшлар, бутун дунёдан йиғиб келинган — илгари ўзимиздан олиб чиқиб кетилган ноёб экспонатлар, Усмон Қуръони, қадимий кўлэмалар... Уларни намойиш этиш учун энг замонавий технологияларнинг қўлланиши...

Шавкат Миромонович марказнинг қурилиши ҳақида қизиқ тушунтириш берди: “Бу марказнинг қурилишида шошмадик, Саккиз йилда охириға етказдик...”.

Бу изоҳ менға жуда ёқди. Чунки навбатдаги бир иморат эмас, балки санъат асари қурилайётган эди! Санъат асари яратилишиға худди шундай сабр-тоқат билан ёндашладди! Президентимиз мана шу нозиклиқни англаган!

Хуллас, асрларға татиғулик иншоот дунёға келган.

Мен интернетда бу мўъжизани томоша қилиш учун бораётган икки кишининг суҳбатини эшитдим.

— Сен, — деди уларнинг бири иморат бор бўйича қўрингач, — Тожмаҳални ҳам кўргансан. Қайси зўр?..

— Бу зўр-ов, — деди ҳамроҳи биноға назар ташлаб. Сўнг ишонч билан бир қарорға келди. — Бу зўр!

Тамом, вассалом! Бу зўр! Бундай бунёдкорликлар ҳақида ёзаверсам, адо бўлмайди шекилли.

Бугун интернетни очдим. Мана, тилға олинган янгиликлар: Тошкентдан Хоразмға йўл олган “Жалолиддин Манғуберди” тезюрар поезди, Тошкент вилояти марказидан Бекободдан айлантирилиб, Янгийерға борадиган янги 111 километрли янги темир йўл қурилиши, Самарқандға борадиган янги тезкор йўл, Тошкентдаги янги аэропортдаги асосий ишларнинг бошланиши...

Назаримда, ҳайратларимнинг энди чеки бўлмайди.

Сўнгсўз ўрнида
Спорт ишқибозиман. Ишқибозлигимни биладиган Хайрулла деган журналист укам — тўқсонинчи йилларнинг охирида бўлса керак, футбол газеталаридан бириға интервью олиб қолди.

— Мана, Япония футбол жамоаси жаҳон чемпионати финалиға йўлланма олди, — деди у. — Биз қачон жаҳон чемпионатиға чиқамиз?

— Энди, — дедим мен атрофимдаги воқеаларни бир зум кўз олдимға келтириб, — мамлакатимизнинг Японияға менғзаб ривожланишини кутамиз-да, укам.

Орзумизға эришдик. Футболчиларимиз финал йўлланмасини қўлга киритди. Демак... Японияға менғзаб кетяпмизми? Шунға жуда ўхшайди. Ҳар ҳолда ривожланишимиз суръати кунчиқар юртниқидан анча баланд.

Ишончим комил, шундай бўлади!

Чунки Ватанимизнинг бугунини ва эртасини яратишға ватанпарвар, халқпарвар, ишбилармон ва адолатли инсон бел боғлаган!

15 МАЙ – ХАЛҚАРО ОИЛА КУНИ

Маълумки, Бирлашган Миллатлар ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1993 йил 20 сентябрдаги ялпи йиғилиши қарорига асосан 15 май куни Халқаро оила куни деб белгиланган.

Шунға кўра Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-3808-сон қарорига мувофиқ республикамизда ҳам 15 май ҳар йили Халқаро оила куни сифатида кенг нишонланиши белгилаб қўйилди. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги ПФ-5938-сон Фармониға асосан “Оила муқаддас” деган эзгу гояни тарғиб қилиш, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий шароитини яхшилашға кўмаклашиш мақсадида 15 май – Халқаро оила кунини мамлакатимизда “Оила муқаддас” шиори остида нишонлашни ташкил этиш ва ўтказиш белгиланган. Ушбу фармонға кўра туманимизда мазкур байрам турли даража ва мазмундаги маданий, маърифий тадбирлар асосида нишонланди. Хусусан, маҳаллалар, ташкилот-корхоналарда фаол аёллар, намунали оила аъзолари билан учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилиб, намунали деб эътироф этилган оилаларнинг тажрибалари тарғиб қилинди.

Туман ҳокимлигида ҳам “Фаровон оила сари” ойлиги доирасида ўз ўрни ва ибратли ҳаёт тарзи билан намуна

ИБРАТЛИ ОИЛАЛАР ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ



бўлиб келаётган оилаларға “Ибратли оила” кўкрак нишонини тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.

Анъанаға кўра фарзандларини ватанпарварлик, миллий қадриятларға ҳурмат

руҳида тарбиялаш, уларнинг илмли ва касб-хунарли бўлиб вояға етишиға муносиб ҳисса қўшган, шунингдек, тадбиркорлиқни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳамда ҳақ оилаларға ўрнак бўлиш


борасида ҳам фаоллик кўрсатиб келаётган туманимиздаги тўққизта оила ушбу нишон билан тақдирланди.

Тадбирда сўз олган туман ҳокими Б.Шукуров мамлакатимизда оила қадриятларини тиклаш, оилавий анъаналаримизнинг ўзига хос жиҳатларини сақлаш ва ривожлантириш бизнинг энг муқаддас қадриятларимиздан бири бўлиб қолиши энг аввало жамият, юртимиз тараққиёти, оила мустаҳкамлигини таъминлашнинг асосий омилларидан бири эканлигини таъкидлаб “Ибратли оила” кўкрак нишонига муносиб қўрилган оила раҳбарларини туман ҳокимлиги номидан табриклади. Шундан сўнг ушбу оила аъзоларига тантанали равишда кўкрак нишонлари топширилди. Шунингдек, тадбирда иштирок этган туман прокурори Умида Бегматова, ИИБ бошлиғи Фурқат Муртазоевлар ҳам тақдирланганларни табриклаб, ўз миннатдорчиликларини билдирдилар.

Тадбир давомида сўз олган ибратли оилалар вакиллари ҳамда иштирокчилар мамлакатимизда оилаларни ривожлантириш борасида Президент ҳамда давлатимиз томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсатни маъқуллаб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Интизор ЯХШИЕВА, Бойсун туман Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи.

КОФРУН ТАРИХ БИЛАН СИРЛАШГАН МАНЗИЛ



Ватан ҳақида гап кетганда, аввало ҳар бир инсоннинг кўз ўнгига ўзи туғилиб ўсган уй, қишлоғи, маҳалласи намён бўлади.

Ҳақиқатан ҳам сен туғилиб ўсган хонадон, маҳалла – бу сенинг кичик Ватанинг. Ўзбекистон аталмиш катта Ватан ичра йўл худди шу ердан бошланади. Шу маънода Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат, садоқат ҳам айнан ота уйинг, маҳаллада шаклланади.

Кофрун – мен туғилиб ўсган маҳалла. Сўлим Бойсун пойидаги Жийдали ота кенгликларида жойлашган қишлоқ. Неча минг йиллик тарихни бошдан кечирган тарихий маскан. Не-не долғали замонлар, урушлар, йўқотишлар ва юксалишларга гувоҳ бўлган қўнча замин. Тарихчилар берган гувоҳликларга кўра Кофрун Буюк ипак йўлида пайдо бўлган энг қадимий аҳоли манзилларидан бири. Кофрун сўзининг қўллаб маъноларидан бири ҳам, айтишларича, айнан қарвонсаройлар, қарвон йўли устидаги маскан номлари билан боғлиқ манзилни аңглайди. Яна бир тарихий манбаларга кўра, шўролар босқини даврида Бойсун қўрғонини ҳимоя қилиш мақсадида Анварпошшо қўшинлари билан шўро қўшинларидан иборат ўн минг аскар иштирокида бўлган қирғинбарот уруш ҳам худди шу

ерда – Кофрун кенгликларида бўлиб ўтган экан.

Ҳа, мен ва биз кофрунликлар фахрлинишга, мадҳ этишга арзийдиган, бағрида қадим тарих тилсимларини яшириб келаятган манзил бу!

Одамлари содда, бир-бирига меҳрибон, оқибатли, маърифатга, илм-фанга ташна Кофрун қишлоғи бугун шу ном билан аталувчи маҳалла маркази ҳам. Фахрланадиган жойимиз шундаки, мана шу мўъжаз маскандан қўллаб маълумотли инсонлар, олимлар, шоир ва ёзувчилар, туман, вилоят ва республика даражасидаги раҳбарлар, давлат арбоблари етилиб чиққан. Собиқ совет даврида ҳам, бугунги мустақиллик йилларида ҳам Кофрун Бойсун туманининг энг кўп раҳбар кадрлар етилиб чиққан манзилларидан бири бўлиб келяпти. Бу, албатта, қишлоғимизда азалдан фарзандларни таълимга, илмга болаликдан пухта тайёрлаш қишлоқ оилалари учун аъна-на бўлиб келганидан далолат беради. Айтиш жоизки, бу борада маҳаллаимиз марказида жойлашган ягона ўрта таълим мактаби малакали кадрлар тайёрлашнинг дастлабки муҳим ўчоғи ҳисобланади.

Дарвоқе, мустақиллик йилларида, ҳусусан муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбар-

Кейинги пайтда фуқароларнинг ишончига кириб, уларнинг мол-мулкига зарар етказиш билан боғлиқ жиноятларнинг тез-тез содир этилиши кўпчиликини ўйлантириб қўймоқда. Айниқса, бу каби жиноятлар ичида фуқароларни алдаб, чорва молларини ўзлаштириш билан боғлиқ ҳолатлар алоҳида кўзга ташланаётир.

Фуқаро Анвар Иргашев, гарчанд Кўмкўрғон туманида истиқомат қилса-да ўз жиноятларини Бойсун тумани ҳудудида амалга ошириб келди. Аввалига у ўз уйида яхши ниятда чорва боқишни йўлга қўйди.Баъзида қўшни туманларда ҳам бўлиб, мол олди-сотдиси билан шуғуллана бошлади. Шу зайл ҳалол меҳнат қилиб, ўз тадбиркорлигини давом эттирса бўларди - ҳалол даромад ҳам, хотиржамлик ҳам нақд эди. Аммо аста-секин фойда ортидан қувиб, қинғир йўлга кириб қолганини аңғалай қолди. Ўзгаларни алдаб, даромад топиш қўлайроқ туюлган қўринди, назаримда.

Бундан уч йил бурун Бойсун тумани “Ширинобод” маҳалласида яшовчи фуқаро Абдусалом Юлдашевнинг яшаш уйига бориб, бир бош қора молини 10500000 сўмга баҳолаб, шундан 500 минг сўмни бериб, қолган пулни келишлган 15 кун ўтиб, нақ уш йил давомида ҳам қайтариш ҳаёлига келмади. Уч йил давомида Абдусалом Юлдашевнинг бир оёғи Кўмкўрғондан узилмади ҳисоб. Охири, тегишли идораларга мурожаат қилишдан бошқа илоҳи қолмади.

Орадан бир йил ўтиб, энди бу гал Анвар Иргашев Пасурхи маҳалласида яшовчи фуқаро Раҳим Пардаевнинг ишончига кириб, унга тегишли беш бош қўйни 11 миллион сўмга келишиб, пул ўрнига унинг қўйини пуч ёнғоққа тўлдирди-ю, жуфтани ростлаб қолди. Худди шу тарзда “Шўрсой” маҳалласида яшовчи фуқаро Музаффар Худойқулов ҳам уйига кириб келган “хари-

Ба ёди дўсти азиз, соҳибистеъдод, журналисти варзида ва шоири ҳассос Эркин Муқим (Шоҳид)

**АВВАЛАҲИ, ОХИРАҲИ
ДАР ШИРОҚАИ ЎЗГАШИҲА**

Ту ҳам бо қи хандаи мадхушона назди онҳо меой. Азбаски Баҳодур туро аввалин маротиба меиди ба назари суол ба Шароф нигоҳ мекунад. Ту бошй ҳозирчавобона бо нигоҳи қидий “хайрон нашавед бародар, ман аз пойтахт меғуй”. Харчанд Шарофро хандашас меояд, худашро дошта чиддй тасдиқ мекунад. Баҳодур бошад ба забони ўзбекй “Шумо магар аз Тошканд омадаед”-меғуяд. Ту бошй дандонҳои сап-сафедтаро яллоқсоз занонда, “Ачаб одам будаед. Ман аз Пасурхй барои ман пойтахт ҳисоб мешавад”, - меғуяд худро базўро дошт истода. Хар се мавчи хандаро ба фалак мебардоред. Баҳодур ака низ борҳо ба ман шумо ҳам магар аз пойтахтатон шаҳри Дарбанд наомадаед, - гўён шўхй мекард...

Ман аз соли 1989 туро мешиноктам. Ёди он солҳо, ёди он рўзҳо, ёди он лаҳзаҳое, ки аввалин бор ба кулбаи ман (он солҳо дар назди автовокзали Тирмизшаҳр, дар бинои тобеъй завод зиндагй мекардам) меҳмон шуданат ҳеч аз ёдам наме-равад. Хуб дар ёд дорам. Соли 1989 бо саяё кўшишй журналисти варзида, нависанда Истад Қосимзода як саҳифай рўзномаи вилоятйи “Сурхон тон-ги” (он замон “Ленин байроғи”) -ро ба забони тоҷикй нашр намуданд. Бори нахуст туро дар он чо вохўрдам. Гуфти ба кор омадам. Ман он солҳо дар мактаби рақами ҳафтуми Тирмизшаҳр кор мекардам. Азбаски ба шеъру шоирй, ба адабиёту ба забони тоҷикй меҳри пурафзун доштам, як саҳифай рўзномаи вилоятиро чун ба забони тоҷикй хондаму кўдақвор рақс кардам (чунки рўзномаро аз миёни рўзномаҳое, ки ба директори мактаб меоварданд оҳиста гирифта монда дар мактаб хонда истода будам) муаллимон дар атрофи ман буда рақси маро дидда якбора дар ҳайрат афтоданд. Чун хабардор шуданд “акнун нимтаро кай менўшем” -гуфта онҳо дар ғами худ буданду ман ба шодий худ овора.

Рўзномаро кофта ба хонаи матбуот омадам. Ба ошёнй дуом баромадам. Аз худат худатаро пурсидам. Сарғарми кор будй. Бо ҳайрат ба ман ниғаристиву ба чун нишон додй. Нишастам. Шинос шудем. Якбора чун шиносй дерин оиди забону миллат, адабиёт сўҳбати мо кўр гирифт. Ҳоло чои зисти мувофиқ пайдо накардаатро изҳор дошти. Ман гуфтам ду хона дорам. Дар як хонааш зиндагй мекунам. Чи хел ҳайрон шудй духона дар як хона зиндагй мекунам. Хубтар фаҳмон. Худаш тоҷикия ҳуқ медонй ё навомўзй. Хандидем. Гуфтам, ки як хўҷрай духонагй дорам, дар як хонааш бо зану як фарзандам зиндагй мекунам. Як хона меҳмонхона. Мана ту баринҳо дар кўча монед, бе пул як шаб ду шаб чой меидиҳем. Инро ба забони тоҷикй илҳом меғўямд. Ту як хонаро ба як-ду шаб ба иҷораи бепул меидй. Хамин тавр. Бале. Хандон хангоми нис-фирузй ба хона омадем. Пурсидамат менўши. Агар улфат за-бонширин бошад менўшам, - гуфти. Агар забонталх бошад чй? Намедонаму ҳаргиз дилнсияҳ Истад. Хеле сўҳбат оро-стем. Беғоҳй масъулы саҳифа Набош Қосимзода омаданд. Ши-нос шудем. Гуфтамд, ки рўзи панҷаншад саҳифай дуҷомро чоп карданямнд. Бояд матолибҳо тайёр бошад. Ман дар ҷайбам мақолаеро ба устод Қосимзода супурдам. Якбора хонда бо қалами сурах бисёр ҷойҳояшро ислоҳ карда ба саҳифай на-вбатй гузоштаро ба Эркин таъин карланд. Интизори рўзи панҷшанба будам. Дар як гўшаи саҳифай тоҷикй тахти сарла-ҳаи “Хар кас ба забони худ суҳандон гардад” мақолай авва-лини ман дар рўзномаи вилоятй чоп гардид. Баъдй чанде бо

маҳали амакам Худойбердй Кенҷабоев чоп гардид. Баъдй чанд рўзи дигар боз ба идораи рўзнома омадам, ки ту ҳамроҳи Истад Қосимзода нишаста сари масъалае баҳсу талош дош-тед. Устод баробари дидани ман аз чой хеста ба утоқи корию худ даромадануду маро фарёд карданд. Даромадам. Дар даро-мадгоҳи идора дари сандуки оҳангиро кушода як даста пул ва когазери гирифта имзо гузоштанамро гуфтанд. Чаро пурси-дам. Пулатона гиред. Чи хел пул? -пурсидам ман. Кўтоҳакак “гонарар” гуфтанд. Ва намедонам дах сўм ё шаш сўм бул ба ман дароз карданд. Гуфтам, ки устод охир шумо мақолай маро сар то по тахир кардед. Ин ҳақи шумо аст, гуфта пулро назди он кас гузоштам. Хандиданд. Коғазй имзо гузоштам маро ба гўшае гузошта пулро гирифта ба ман дароз карда, - набошад равед аз бозор як харбузаи кори калон гирифта оред. Ба чои гўсфанд харбузаро сар мезанем. Ин хангоми ту “чй-чй, чй гап, чй хел гўсфанд, чй хел харбуза...” гуфта даромада омадй. Устод гуфтанд, ки имрўз ин чаноб бори нахуст ҳаққи қалам гирифта тўй кардани. Ман тўй лозим не. Як харбуза биёред

ШЕРИ ШЕЪР



ба чойи гўсфанд онро мекушем гуфтанд. Ту бошй хандида, - ин навкиса ҳоло ба ин гуна ҳазлу шўхйхо одат накардааст. Берун баромада ин чй гап гуфта худаша накушад боз гуфти. Хар се хандидем. Дар дилам худо меғуфтам харбузаи оварда-ам ширин барояду ҳамроҳон хурсанд бигарданд. Харбуза аз шахд ҳам ширинтар буд...

Хамин тавр, ман якчанд моҳ ҳамроҳи Эркин Муқим дар хамин саҳифай тоҷикии рўзнома ҳамроҳ будем. Аз ҳамон рўз ман чй будани рўзнома, “гонарар”, яъне ҳаққи қаламро дони-стам. Раҳматий Эркин дар ҳамон вақтҳо башорат карда буд, ки Исқандар ту ачаб бачаи дилёбй. Аз гапи сахту ба ҳазлу шўхйҳаямон хафа намешавй. Ба ягон Донишгўҳ хўҷчат супур-да маълумоти олий бигир. “Дониш андар дил ҷароғи равшан аст, В-аз ҳама баяд бар тани ту ҷавшан аст” -гуфтаанд бузур-гон. Бале, гуфтам охир боз “Тавоно бувад ҳар ки доно бувад, зи дониш дили пир барно бувад” гуфтаанд. Мумкин то пирон-

лиги даврида маҳаллаимиз ҳар жиҳатдан юксалиб, аҳоли турмуш даражаси яхшилана бошланди. Қишлоқ мактаби тубдан реконструкция қилинди, замонавий бочада қишлоқ болалари мактабгача таълим оли-япти. Маҳалла ички кўчалари раволашяпти. Тад-биркорлик ривожланиб, янги иш ўринлари яратиял-пти. Маҳалла ҳудудидаги кичик сув омбори шарофати билан янги ерлар ўзлаштирилиб, бог-роғлар барпо этилишти. аҳоли орасида томорча маданияти шакл-ланаяпти. Маҳаллада хотин-қизлар ва ёшлар сиёса-ти доирасида ибратли ишлар бошлаб юборилган. Иж-тимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар эса алоҳида ҳам-хўрлик ва ва эътиборга лойиқ кўриляпти. Президен-тимиз, давлатимиз томонидан олиб бориляётган кенг кўламли ислотхлар нафаси кофрунликлар хонадо-нига, маҳаллаимизга ҳам кириб келиб, кечагидан бу-гунги кунимиз фаровонроқ, бугундан эртанги кунга бўлган ишончимиз баландроқ бўляпти.

Тўғри, ҳали муаммолар ҳам бисёр. Бироқ, бугун менинг маҳалламда рўй бераётган ижобий ўзгариш-лар, юксалишларни кўрган ҳар бир инсон борки, яқин келажақда мавжуд муаммолар ҳам сўзсиз бартараф этилиши, Кофрун нафақат туманимиз, балки вилоя-тимизнинг ҳам аҳоли фаровонлиги таъминланган, иқтисодиёти юксалган манзилларидан бирига айла-нишига ишонч ҳосил қилади.

Шахсан ўзим ҳам шу қишлоқнинг, шу маҳалла-нинг илғор бир фарзанди сифатида бунга аминман.
Мехринисо ЭРҶАШЕВА,
Термиз Давлат университетиинг ўзбек филологияси факультети, ўзбек тили йўна-лиши, 4-босқич талабаси.

ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТИДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

дор” Анвар Иргашевга ўзига тегишли бўлган икки бош қорамолини 11 мил-лион 700 минг сўмга баҳолаб, ундан бир тийин ҳам олмай, қўш-қўллаб бериб юборганини билмай қолди.

Бу каби фирибгарлик жиноятлари содир этилганлигига уч йил вақт бўлишига қарамай Анвар Иргашев ўз жабрдийдаларининг оҳ-воҳини эшитмади, эшитса-да билмаганга солди. Фақат пичоқ бориб суякка қадалган мурожаат қилган жабр-дийлардан давзоси судда кўрилган чоғда қайтарилиши керак бўлган пуллари ўз шахсий заруратига харжлаб қўйганлигини айтиб, суддан енгиллик сўраб, айбига пушаймон бўлишдан бошқа чора топмади.

Тўғри, суд жиноятчига амалдаги қонунлар доирасида енгиллик ҳам берди. Бунга, аввало унинг барча зарарларни қоплагани бўлса, қарамоғида уч нафар воёга етмаган (улардан бири 2-гурӯҳ ногирони) фарзандлар борлиги ҳам эъти-бордан соқит қилинмади. Аммо ҳеч бир фуқарога оилавий шароит туйғайли фи-рибгарлик йўлига кириш, ўзганинг мол-мулки ёҳуд маблағини ўзлаштириш им-тиёзи ҳам берилмаган. Шунинг учун Жиноят ишлари бўйича Бойсун туман суди-нинг 2026 йил 17 феврал кунигаги ҳукми билан Анвар Иргашевга иш ҳақининг 10 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлангани ҳар қандай жиноят учун жазо муқар-рарлигини аңглатади.

Б.ҚАРОРОВ,
Сурхондарё вилоят прокуратураси бўлим прокурори.
З.АЛИКУЛОВ,
Бойсун туман прокурори ёрдамчиси.

Газета тахририятида ама-лиёт бошлаганининг биринчи кунийёқ бош муҳаррир Бойсун қадамжоларидан бири ҳақида материал тайёрлаш топширми-ни бердилар.

Очиғи, аввалига мавзу осондек ту-юлди. Қачонлардир мододан эшитта-ним, вилоятимиз ҳудудидаги ягона авлиё аёл сифатида эъзозланган Би-биширин бибимиз макон топган Биби-ширин зиёратгоҳи ҳақида бирор нарса тайёрлашга аҳд қилдим.

Аммо иш мен ўйлаганчалик осон кеч-мади. Зиёратгоҳга икки марта қатнаб, бу ҳақда асосий маълумот олишим керак бўлган инсонни топа олмадим. Ижтимо-ий тармок ва адабиётларни титқиладим. Ниҳоят, тарих фанлари доктори С.Турсунов ҳамда Қ.Ра-шидов ҳаммуаллифлигидаги “Бойсун” номли китобдан бир мунча маълумотлар топдим. Зиёратгоҳ ҳодимла-ри ҳам бу масалада бир қадар қўмак берган бўлиш-ди. Мен учун яхшилиги шуки, баҳонада Бибиширин момомиз ҳақида анчагина тасаввурга эга бўлдим.

Бибиширин зиёратгоҳи Бойсун туманидаги Биби-ширин маҳалласи ҳудудида, Дарбанд-Денов автойўли-нинг шундоқ яқинида осийишга ва файзли ҳудудда жой-лашган. Бибиширин мақбараси ва хонақоҳдан иборат, атрофи кенг-мўлгина бог билан ўралган бу маскан, нафақат тарихий ёдгорлик, балки халқнинг маънавия-ти, эътиқоди ва қадриятларини ўзида мужассам этган муқаддас даргоҳ сифатида ҳам қадрланади. Шахсан мени бир зиёратчи сифатида хурсанд қилган жиҳати, бир вақтлар анча хароб ва эътибордан четда қолган ушбу зиёратгоҳи шу қишлоқнинг асл фарзандларидан бири, гарчанд бугун олисда яшаётган бўлса-да, тубдан таъмирлаб, обод қилганини бўлди. Ҳақиқатан ҳам бу ерда шарқона услубда қурилган жозибали гулбазсимон мақбара, озода йўлақлар, амалга оширилган ободончи-лик ишлари қадам ранжида қилган ҳар қилишга чўқур та-ассурот қолдиради. Айниқса, мақбаранинг пешайвонли олд қисми ҳамда гулбазсимон қисми ўзгача салобат ва кўрк бағишлайди. Зиёратгоҳ ёнида домла Кўлобий мақ-бараси ҳам мавжуд бўлиб, у зот унун ушбу мақбара авлодлари томонидан бунёд этилган.

Бибиширин момомиз ҳақида ҳам қизиқарли риво-ятлар мавжуд. Юқорида тилга олинган китоб муаллиф-лари қолдирган маълумотларга кўра Бибиширин мо-момиз Ҳазрат Султонни Валининг (ул зот Омонхона қиш-логида мангу макон топганлар) сингиллари Бибирайҳ-он бўлганлар. У киши юксак одоби, маърифати ва ин-сонларга бўлган меҳр-муҳаббати билан халқ орасида катта ҳурмат қозонганлар. Нақл этилишича, Бибиши-рин бибимиз таваллуд толган кечада Ҳақ Таолодан: “Сени шундай бир мартабага етказайки, осмондаги фаришталар ҳам сенга ҳавас қилсин” деган нидо кел-ган экан. Ул зот умрларини ибодат, поклик ва эзгулик-ка бағишлаб, инсонларни ҳалоллик ва меҳр-оқибатга чорлаб яшаган эканлар. Шу сабабли ҳам Бибиширин

БОЙСУН БАҒРИДАГИ ТАБАРРУК МАСКАН



қадамжоси халқ орасида муқаддас қадамжо сифатида улуғланади.

Ушча китобда яна шундай ривоят келтирилади. Унда айтилишича, Ҳазрат Султонни Валий сингиллари Биби-райҳоннинг ҳар чоршанба оқшомида ғойиб бўлиб қоли-шидан ҳайрон бўлиб, бир кун илга тушади. Мушкул йўллардан ўтиб, ҳозирги Қоровултепа деб аталадиган тепаликка келадилар. У ерда оппоқ либосдаги нуроний зотни ва унинг атрофида йиғилган қирқ кишини кўради-лар. Ривоятга кўра улар чилтанлар бўлган. Бибирайҳон акаларини кўриб қолиб, Оллоғга илтижо қилади ва шу ердаги ғорга кириб ғойиб бўлади. Кейинчалик айнан шу жой устида хонақоҳ бунёд этилади. Бибиширин мо-зороти билан боғлиқ яна бир қизиқарли ривоят хануз-гача халқ орасида ашаб келади. Қорабўйин қишлоғи (Бибиширин мақбараси жойлашган) бугунги ҳудудда етиштирилдиган узум ва меваларнинг ширинлиги би-лан боғлиқ ушбу ривоятга кўра, айнан шу сабабли маскан “Бибиширин” номи билан аталган бўлиши ҳам мумкин. Ҳатто бугунги кунда ҳам Бойсун бозорида со-тиладиган “Бибиширин узуми” номи билан машҳур бўлган узумлар аҳоли томонидан алоҳида қадрланади.

Тадқиқотчи Т.Аннаевнинг “Бойсун археологик ёдгор-ликлари” китобида келтирилганига кўра XVII-XVIII аср-ларда бунёд этилган ушбу қадимги ёдгорлик, гарчанд советлар даврида “бидъат” ҳисобланиб, харобага ай-лантрилган бўлса-да, кейинчалик таъкидлаганимиздек, мустақиллик йилларида қайта ободонлаштирилиб, хал-қимизнинг тарихий маънавий мулки сифатида муҳим меъморий ёдгорликлар рўйҳатига киритилди. Бугун мин-глаб инсонлар руҳий, маънавий таскин олиш, қолвер-са, маънавий тарихий меросимизга ҳурмат рамзи сифатида зиёратга қатновчи ушбу маскан нафақат тари-хий обида, балки халқимизнинг эътиқоди, маънавияти ва ўтмишига бўлган ҳурматининг ёрқин тимсолидир. Бу маскан ҳозир ҳам инсонларни покликка, эзгуликка, меҳр-оқибат ва сабр-қаноатга чўқатаётган муқаддас дар-гоҳ сифатида ўз аҳамиятини йўқотмай ҳалқоқда.

Севинч КАКИМОВА,
Ўзбекистон журналистика ва оммавий ком-муникациялар университети, журналистика факультетининг 1-босқич талабаси.

ВАТАН ТУПРОҒИНИ СОҒИНИБ...

Зиёфат тайёрланди. Биз ҳар хил мавзуларда сўхбат-лашдик. Қайтадиган вақти-мизда Одил Бадахший мени четга тортиб деди:

–Мен ниҳоятда хурсандманки, сен тирик, соғ-саломат, оиланг, фарзандларинг, онанг ва қариндошларинг ёнига қайтапсан, ле-кин кўнглинг сезиб турибди, бу бизнинг охириги дийдор кўриши-шимиз.

–Жаноб кўмондон, нимага ёмон ният қиласиз? – мен хафа бўлиб гапирдим.

–Йўқ, йўқ, ҳаммаси яхши, азиз биродарим! Мен шахид бўлиш-ни хоҳлайман. Умримнинг санокли кунлари қолди. Минг аф-суки, Бухоро ва Самарқанд зиёратига боролмадим. Ёдингиз-да бўлса мен бу қиссани сизга Фазна йўлида айтиб берган эдим. Бу ота-бобомнинг армони эди, уни қабрга олиб кетди-лар. Энди навбат менга келди, ҳеч қайси дард мусофирикл даридан оғир эмас, биродар! Ватансизлик бу гурбатдир! Қиш-логимиздаги одамлар мени самарқандлик деб аташади. Оҳ, азиз Самарқанд!

Унинг кўзидан икки қатра ёш оқиб, яноқларига тўкилди. У хомуш ҳолда сўхбатни давом эттирди:

–Азиз биродарим, сиз ишонасизми, оксоқол отам айтарди-ки, қачонки кимдир Самарқанд ҳақида гапирса бобомнинг кай-фияти тушиб, хонасига кириб бу китъани ўқирди: Ватан тупроғи Сулаймоннинг тахтидан яхшироқ, Ватан тикани лолаю райхондан яхшироқ, Юсуф Мисрда подшоҳлик қилар экан, Ундан кўра Каньонда гадо бўлган яхшироқ. –Биродарим, бу бизнинг хонадонимиз тақдири экан. Мен бад-бахт, мен адашган, уларнинг васиятини бажо қилолмадим. Шуни хоҳлайманки, сиз менинг ўрнимга Самарқандни зиёрат қил-сангиз ва унинг тупроғидан бир қафт келтириб қабрим устига сепсангиз!

Шу кун Одил Карим Бадахший билан хотиралар оғушида паршонх хайрлашиб, ўзимизнинг манзилга қайтдик...

Ватанга келиб Самарқандни сайр қилиш учун бордим. Та-рихий ёдгорликлар, азиз авлиёлар қабрини зиёрат қилдим. Одил Бадахшийнинг айтганларини эсладим, шу жойдан бир қафт туп-роқ олмақчи эдим, аммо иккиландим. Бу ёмон ниятни кўнглимгидан чиқардим...

Қобул майдонининг ҳавоси. Рухсат билан қайтган эдим, ле-кин мени яна шимолий ҳудудга юборишди. Шунда Муқим мин-тақасидан самолёт учиб келишини интизорлик билан кутдим. Бу ерга келган харбийлар орасида бир неча таниш офицер-ларни кўрдим. Улардан ҳол-аҳвол сўрагандан сўнг, кўмондон Одил Бадахший ҳақида суриштирдим, у бир ой олдин Қалот йўлида ҳалок бўлибди. Бу нохуш хабар кўнглимга қаттиқ теғди. Лолу ҳайрон бўлиб қолдим бу лаҳзада...

Одил Бадахший Афғонистоннинг Бадахшонидан бўлса-да, ўзини самарқандлик санаб, фахр-ифтиҳор қиларди. Бу қадим-ий шахарнинг шуҳратини фахр билан тилга олиб, мактанар-ди. Ота-бобосининг ягона орзусини амалга оширишни истар-ди, лекин минг афсус унинг ҳам армонлари тупроққа қўшилиди. У яхши тушунарди, дунё икки кунлик, унга меҳр-муҳаббат қўйиш-нинг фойдаси йўқ. Унинг мол-мулки, хотин, бола-чақаси йўқ эди. У яхши хулқ-атвори, одоб-ахлоқи билан дўстлар қалбида қолди. Орзу қилардики, бутун Афғонистонда тинчлик, хавфсиз-лик, дўстлик ва меҳр-оқибат ўрнатилсин. Ва у шу йўлда шахид бўлди. Эй азиз Ватан, биз сенинг эркинлигинг ва тинчлигинг йўлида доим сафарбармиз!

Рухинг шод, охиратинг обод бўлсин, Карим Одил Ба-дахший Самарқандий!

Нурали РАЖАБ.
(Тожиқ тилидан)
Н.Жўракулова таржмаси).

Тонг саҳарда уйғониб, каттагина боғимни сайр қилишни одат қилганман. Айниқса, баҳор-ёз ойларида тонгги салқинлик, қушларнинг навоси, сувларнинг шилдираб оқиши танга ажиб бир тетиклик бахш этади.

Бир куни одатимга кўра боғни кезиб, экин-тикинлар, дарахтларни кўздан кечириб юргандим, ўрик, гилослар меваларига ранг иниб қолган, қуёш нурларида товланаб, яшил барглари орасидан кўзга ташланади. “Ўлмаган қул, яна пишиқчиликка етдик, Оллоҳга беҳисоб шукр”, дейман дилимдан қувониб. Ногаҳон кўп йиллардан буён ҳосил бермаётган, эътибордан четда қолган ўрик дарахтига кўзим тушди. Ажабо, шунча йилдан кейин ҳосилга кирибди-я, жонивор. Бу дарахтни неча бор кесиб ташлашга чоғландим. Аммо кўлим бормади. Фарзандларим таъбири билан айтганда, бу “Жўрабекнинг ўриги”, эди. Ўғилларимнинг у билан боғлиқ хотираларига болта уришга жазм қилолмаганман.

Истараликкина, хушмуомала бу шоир йигит ўғлим Улугбек билан ҳамкифт, дўст эди. Жўрабек асосан баҳор-ёз ойлари уйимизга таширф буюрар, бир неча кун меҳмон бўлиб кетарди. Болаларим билан қўй-қўзиларнинг ортидан юрар, балиқ тутишга борар, боғ оралаб мевалардан териб ерди. Боғимизда ўрикнинг бир неча хили фарқ пишиб турган бўлса-да, Жўрабек энг чеккадаги меваси кичкина-кичкина қантак ўрикни яхши кўриб ерди. “Буниси ширин-да амаки, кичкина-кичкина, оғиз-

(Мархум шоир Жўрабек Рамазонов хотирасига)

ЖўРАБЕКНИНГ ЎРИГИ



га солсанг эриб кетади”, деб қўярди менга қараб. Хар келганида “Ўригим пишдимми?”, деб боғ оралаб кетарди. Унинг таширфи нафақат оила аъзоларимизни, балки бутун қишлоқ аҳлини қувонти-

рарди. Уни ҳаммамиз бирдек яхши кўрардик. Шеър ёзишидан балки кўпчилик бохабардир, аммо рассомчилик қобилиятини кўпчилик билмаса керак. Илҳоми келса қоғоз-қаламини олиб,

тоғ чўққиларига узоқ тикилиб турар, гўзал манзараларни қоғозга туширар, анча-мунча шеърлар ҳам ёзиб қўярди. Кечки пайт ёзган шеърларини бизга ўқиб берарди. “Қаердан шунча истёъдод, шу кичик жуссасига бунчалар билимни, теранлиқни қандай сиғдира олди экан бу йигит?”, деб қўярдим ўзимга-ўзим. Унинг қузатувчан нигоҳлари, меҳр-муҳаббатга тўла юраги, қувноқлиги, ҳазилга йўғрилган сўзлари ҳали-ҳамон ёдимдан чиқмайди. Унинг вафотидан сўнг худди оила аъзозимизни йўқотгандек маъюсланиб қолдик. Ажиб ҳолки, ўрик ҳам шундан кейин мева тугмай қўйганди...

Шоир йигит билан боғлиқ хотираларим бир-бир кўз ўнгимда гавдаланди. У гоҳ тоғ чўққиларига тикилиб турар, гоҳ қўй-қўзилар ортидан югурар, гоҳ қўлида икки-учта балиқни кўтарганича қувониб чоққилаб келарди. Беихтиёр томоғимга аччиқ бир нима тикилиб, кўзим жиққа ёшга тўлди. У ҳаёт бўлганда майнинг охирларида 43 баҳорни қарши олган бўларди...

Ўрик пишиб етилса териб олиб, шаҳарга, Жўрабекнинг фарзандларига олиб боришни кўнглимга тугиб қўйдим.

**Раҳимназар ХўЖАҚУЛОВ,
Мачай қишлоғи.**

29 май - севимли шоиримиз Жўрабек Рамазон туғилган кун

Ўзимни ўртаган дарддан йироқлаб,
Яшай бошлагандим бедарду бесас.
Нечун яна мени келдинг сўроқлаб,
Қайдадир кимнидир соғинтирган ҳис...

Ғамларнинг кўзида туриб яшадим,
Настарин гулидек қуриб яшадим,
Самони кўксимга қўйдиму жойлаб,
Дунёни чеккага суриб яшадим.

Қайғу нуқси урган кўзини ёшлаб,
Ёшли кўзин йўлга оқизар бир қиз,
Нечун яна мени келдинг сўроқлаб,
Қайлардадир, кимдир кўмсаётган ҳис...

Сенга ошкор бўлолмаган туйғуларим,
Камалакдек сержилою рангин эди.
Шу туйғулар оғушида бу кўзларим,
Сени севмаган чоғим ҳам ғамгин эди.

Оловларга улоқтирдим ўзимни мен,
Ҳаволарга сочдим бутун сўзимни мен.
Унутмадим бироқ севган қизимни мен,
Ахир, сендан кечишим ҳам мумкин эди.

Райҳон, сенинг юзларингни кўролмадим,
Ўпай десам изларингни кўролмадим.
Меҳр тўла кўзларингни кўролмадим,
Зеро, ўша кўзлар дилга таскин эди.

Юрагимга яқин олган сирдошларим,
Эримади тўқилса ҳам кўз ёшларим.
Фақат армон, фақат ҳижрон йўлдошларим,
Ҳа, Жўрабек бошдан шундай мискин эди.

Саъва тумшугида бир томчи қиём,
Қалдирғоч келтирди севгидан пайғом.
Турналар сасидан ололмай ором,
Мен энди барибир кетаман.

Оққуш исботлади меҳр борлигин,
Бу дунё кенга кенг, торга торлигин.
Табиат сукутга кўмди борлигин,
Мен энди барибир кетаман.

Лойни ҳам ўпишга арзимас товон,
Ойга ҳам тикилмоқ менга бир армон,
Гарчи эшиқларин михлади ризвон,
Мен энди барибир кетаман.

Мени-да ҳеч қачон кутмайди биров,
Ўн олти ёшимда сочимда қиров.
Мен - тупроқ кучоқлаб, топталган ялов,
Мен энди барибир кетаман.

Йиғла гулим, баҳоримиз орта қолди,
Телба кўнгил мубталодир кузақларга.
Соғинганим, кўмсаганим, хуш қол энди,
Қалтироғинг бахшида эт терақларга.

Ўзга қизлар дийдорига юрак кўнди,
Бағишлади умрин ўша эрмақларга...

Замин бўйлаб баҳор кезади ҳамон,
Ҳамон очилади гуллар қулф уриб.
Сен товус қадам-ла ўтасан ҳар тонг,
Кўчани муаттар ҳидга тўлдириб.

Менинг нигоҳларим ҳануз парвона,
Сенинг нигоҳларинг нени илғайди?
Изиндан термулиб қоламан яна,
Кўчани даҳшатли сукут чулғайди.

Bugungi kunda mitti barmoqlarning sensor ekranda chaqqon harakatlanishi hech kimni ajablantirmay qo'yg'an. Telefon va planshetlar hayotimizning asosiy qismiga aylandi, biroq ularning yosh bolalar tarbiyasi va sog'lig'i ga ta'siri hamon dolzarb va bahsli bo'lib qolmoqda.

Ko'pincha ota-onalar bolani tinchlantirish, ovqatlantirish yoki o'zlari bir oz dam olishlari uchun ularni ko'liga telefon berib qo'yishadi. Bu qisqa muddatli yechim bo'lib ko'rinsa-da, uning

bo'lgani kabi telefondan to'g'ri foydalanishning o'ziga xos ijobiy tomonlari ham yo'q emas. Avvalo, gadjetlardagi mantiqiy o'yinlar orqali erkin fikrlashni rivojlantirish mumkin. Bu o'z o'rnida bolaning dunyoqarashini kengaytiradi. Qolaversa, telefondan chet tillarini o'rganish yoki o'rganishga yordam olish mumkin. Rasm chizish yoki musiqiy qobiliyatlarni kashf etishda ham gadjetlarning o'rni muhimdir. Bu borada shaxsiy fikrimni bildirmoqchi bo'lsam, eng avvalo, insonlarning o'zlari farzandlari oldida telefondan kamroq

Орамизда кўмакка, ўзгалар ёрдамига муҳтож инсонлар, оилалар борки, улар бизнинг жамиятимизда ҳеч қачон эътибордан, инсонлар мурувватидан четда қолмаган.

Қолаверса, меҳр-оқибат, мурувватпешалик ҳамиша халқимизнинг энг яхши қадриятларидан саналади.

Бизнинг касбий таълим муассасамизда ҳам халқимизнинг мана шундай ўлмас қадриятлари ҳамиша улуғланган, эъзозлаб келинган. Яқинда эса ушбу анъанага содиқ қолган ҳолда “Бир касб – бир яхшилик” шiori остида жамоамиз аъзолари билан ҳамкорликда туманимиздаги баъзи бир ўзгалар ёрдамига муҳтож оилаларга таширф буюриб, уларнинг оғирини енгил қилишга ҳаракат қилдик.

Эзгу ташаббусларнинг ортида ҳамиша яхшилик, инсонийлик, меҳр-мурувват мужассам. Ана шундай меҳрли ниятлар билан кириб борган хонадонимизда эса ўзига хос муаммолар, хусусан, уй ва ҳовлида таъмирталаб ишлар мавжудлигига эътибор қилдик. Бу галги тадбирда нафақат устозлар, уларга қўшилиб шоғирдлар – техникум талабалари ҳам иштирок этдилар. Тадбир давомида улар хонадонлардаги таъмирлаш ишларини бажариш, уйлардаги шикаст-рехтларни бартараф этиш ишларига устозлар қаторида ҳаракат қилиб, хайрли ишларга шерик бўлдилар. Мухими, талабалар шунчаки ишламадилар, улар таълим муассасасида олган назарий билим ва кўникмаларини амалиётда намоён этиб, ўзига хос тажриба ўтказдилар, устозлар ёнида туриб,

уларга мададкор бўлдилар. Биргина эътибор, биргина меҳр-оқибат инсонлар кўнглига қанчалик яхшилик, бахт ва сурур олиб кириши мумкинлигига ўз тажрибалари мисолида гувоҳ бўлдилар. Мухими, эзгу ният билан бажарилган хайрли ишлар натижасида борган хонадонимиз янада файзли, обод ва шинам гўшага айланди.

Дарвоқе, ушбу хонадонларда тикиш-бичиш ва бошқа касбга қизиқувчи ёш оила аъзолари ҳам бор экан. Ушундай оилалардан биридаги қиз фарзандга таълим масканимизнинг дизайнер ўқитувчиси томонидан тикув машинкасида ишлаш, тикув-бичиш ишларини амалга ошириш юзасидан “мастер-класс” машғулоти хам ўтказилди. Қиз болаларга хос касб-хунарларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тушунтиришлар берилди.

Эзгу ниятда ўтган бир кунлик хайрли тадбир ўзимиз учун ҳам кўп нарсаларни ўргатгандек бўлди. Энг аввало, ишимиз ниҳоятда хонадон эгаларининг меҳр-муҳаббатга тўла кўзларидаги қувончни, юзларида балқиган миннатдор нигоҳни кўриб яхшилик ва эзгулик, меҳр-оқибат инсонларни қанчалик бир-бирига яқинлаштиришига гувоҳ бўлдик. Хонадондан чиқарканмиз хонадон эгалари кўнглидаги қувонч бизнинг ҳам кўнглимизга, қалбларидаги меҳр-муҳаббат бизнинг ҳам қалбимизга инганини, кўчганини ҳис қилдик. Эзгу ишлар, оқибат, мурувватпешалик халқимиз, миллатимиз учун қанчалик бетакрор маънавий зийнат эканлигига амин бўлдик...

**Моҳира УСМОНОВА,
Бойсун туман 2-сон техникуми директори.**

BOLALAR VA GADJETLAR



oqibatlarlari ancha chuqur bo'lishi mumkin. Masalan, bola ekran bilan muloqot qilganda, unga javob qaytmaydi, bu esa bolaning so'zlarni talaffuz qilishda va o'z fikrini bayon etishda qiyinchilik tug'diradi. Shuningdek, ekran histuyg'ularni (mehribonlik, hamdardlikni) o'rgata olmaydi.

Ko'p vaqtini gadjet bilan o'tkazgan bolalar tengdoshlari bilan muloqotga kirishganida tortinchoq yoki aksincha, tajovuzkor bo'lib qolishi mumkin. Bundan tashqari, yorqin ranglar va tez almashinuvchi kadrlar bolaning miyasini zavqqa o'rgatib qo'yadi. Natijada bola kitob o'qish yoki dars qilish kabi sabr talab etiladigan ishlarga diqqatini jamlay olmaydi. Ammo, har narsaning ziddi


foydalanishlari lozim. Bolalar ota-onasidan ko'rganini takrorlaydi. Birgalikda kitob o'qish, rasm chizish yoki ochiq havoda o'ynash ekran o'rnini bosishi, binobarin, bolalarni telefondan chalg'itish uchun eng qulay vositalar bo'lishi mumkin.

Xulosa qilib aytish mumkinki, telefon oddiy asbob emas, u farzandlarimiz uchun o'ziga xos o'qituvchi bo'lishi ham, “vaqt o'g'risi” bo'lishi ham mumkin. Eng muhimi, hech qanday zamonaviy texnika ota-onaning mehri o'rnini bosa olmasligini unutmashlik lozim.

Gulshoda POYANOVA
Termiz Davlat universiteti filologiya va tillarni o'qitish o'zbek tili yo'nalishi, 4-bosqich talabasi.

Республика “Нуроний” жамғармаси Бойсун туман бўлими Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси **Хамроев Шохимардон бобо** нинг вафоти туфайли мархумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

PEDAGOGLAR UCHUN IPOTEKA SUBSIDIASI



2026-yildan boshlab kamida 15 yil ish tajriga (bosh oliy malaka toifasiga (bosh pedagog lavozimiga) ega bo'lgan pedagoglarga Iqtisodiyot va moliya vazirligi tomonidan qayta moliyalashtiriladigan ipoteka kreditlari boshlang'ich badalining 25 foizini qoplab berish uchun davlat byudjetidan subsidiya ajratish tartibi joriy etildi.

Mazkur subsidiya O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2026-yil 19-fevraldagi 69-son qaroriga muvofiq ajratilishi belgilangan.

Subsidiya olish uchun ariza beruvchilar

belgilangan ijtimoiy mezonlarga mos kelishi, shuningdek, kredit tarixi kamida bitta tijorat bankining ichki talablariga javob berishi lozim. Shu bilan birga ariza beruvchi yoki uning turmush o'rtog'i nomida respublika hududida ikki va undan ortiq uy-joy mavjud bo'lmisligi talab etiladi. Nomzod kamida 15 yillik pedagogik staiga ega bo'lishi hamda oliy malaka toifasi yoki bosh o'qituvchi lavozimiga ega bo'lishi shart.

Arizalarni Davlat xizmatlari markazi orqali, **my.gov.uz** portali yoki **mycov mobil ilovasi** orqali topshirishi mumkin.

Gavhar QOSIMOVA,
Boysun tuman Adliya bo'limi Davlat xizmatlari markazi bosh mutaxassisi.



Xalq deputatlari Boysun tuman Kengashi va tuman hokimligi

BOSH MUHARRIR
Davron OROPOV

NAVBAATCHI:

Azamat G'AFFOROV.

Internet materiallaridan foydalaniladi.

Gazeta 2012-yil 2-fevral viloyat Matbuot va axborot hududiy boshqarmasida 11-043-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Indeks: 64622
Bahosi kelishilgan narxda.

ISSN 2181-7073

Hajmi - 2 bosma taboq.
Bichimi A-2
Chop etishga topshirish vaqti - 17⁰⁰
Topshirildi - 16⁰⁰
Adadi : 1400
Buyurtma №

Gazeta sifatiga bosmaxona mas'ul

- tijorat materiali.

Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan tarq qilishi mumkin.
Qo'lyozmalar egasiga qaytarilmaydi, yozma javob berilmaydi.
“BOYSUN” gazetasidan materiallarni ko'chirib bosish muharririyat roziligi bilan amalga oshirilishi lozim.

Gazeta oyiga ikki marta o'zbek va tojik tillarida chop etiladi.

TAHRIRIYAT MANZILI:

190401, Boysun, Zartepa ko'chasi, 37-uy.
Telefonlar: 76-33-51-368, 99-733-06-59
e-mail: boysun@umail.uz

Gazeta «Boysun» tahririyati kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta “Surxon tongi” va “Zarya Surxana” gazetalari bosmaxonasida chop etildi. Manzil: Termiz shahri Shukrona ko'chasi 19-A uy.